

**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**TRANSTERMINOLOGISATION AS A SECONDARY NOMINAL PRODUCT****Dilfuzakhan S. Saidkodirowa**

Associate Professor, PhD.

Uzbekistan State University of World Languages

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: term, term system, terminology, transterminologization, semantic method.

Received: 10.02.23**Accepted:** 12.02.23**Published:** 14.02.23

Abstract: Changes in terminology as a result of sharp changes in the state and society, the rapid development of science, terms that create new meanings are gaining a stronger place in the vocabulary of the Uzbek language. The terminological system, in turn, is an open, stable, independent system divided into thematic groups, with various paradigmatic relations between the fields and their elements, and at the same time, it is micro-system in relation to language and macro-system in relation to its semantic groups.

ТРАНСТЕРМИНОЛОГИЗАЦИЯ ИККИЛАМЧИ НОМИНАЦИЯ МАХСУЛИ СИФАТИДА**Дилфузахон С. Саидкодирова**

доцент, PhD.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: термин, термин тизими, терминология, тарнстерминологизация, семантик усул.

Аннотация: Терминшунологияда бўлаётган ўзгаришлар давлат ва жамиятдаги кескин ўзгаришлар, илм-фаннинг жадал тараққиёт натижасида янгидан-янги маъноларни ҳосил қилувчи терминлар ўзбек тилининг луғат таркибидан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Терминологик тизим, ўз навбатида, мавзуй гуруҳларга бўлинувчи, майдонлар ва уларнинг элементлари ўртасида турли парадигматик муносабатлар мавжуд бўлган очик, барқарор, мустақил, айна вақтда тилга

нисбатан микро, ўз семантик гуруҳларига
нисбатан макросистемадир.

ТРАНСТЕРМИНОЛОГИЗАЦИЯ КАК ВТОРИЧНО-НОМИНАЛЬНЫЙ ПРОДУКТ

Дильфузахан С. Саидкодирова

Доцент, PhD.

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые	слова:	термин,	Аннотация:	Изменения	в
терминосистема, транстерминологизация, метод,	терминология, семантический	терминологии в результате резких изменений в государстве и обществе, бурного развития науки, термины, создающие новые значения, завоевывают все более прочное место в лексике узбекского языка. Терминологическая система, в свою очередь, представляет собой открытую, устойчивую, самостоятельную систему, разделенную на тематические группы, с различными парадигматическими отношениями между областями и их элементами, и в то же время является микросистемой по отношению к языку и макросистемой. по отношению к его смысловым группам.			

КИРИШ

Маълумки, ҳар бир миллий тилда ўзига хос терминологик тизимлар мавжуд. Транстерминологизация тилларда соҳавий “...терминологик тизимларини тўлдиришнинг самарали усулларида бири бўлиб, бу ҳодиса ўтиш жараёни билан бирга келадиган семантик ўзгаришларни таҳлил қилмасдан умумий таъриф нуктаи назаридан кўриб чиқиладиган”. Зеро, терминологик тизимлар ягона лисоний тизим билан биргаликда унинг умумий қонуниятлари асосида пайдо бўлади ва ривожланади.

Транстерминологизация борасида Ғ.М. Исмаилов томонидан қуйидаги фикр билдирилган, яъни семантик усулда ҳосил бўлган терминлар терминологик луғатларнинг каттагина қисмини ташкил қилиб, уларнинг айримлари изоҳли луғатлар, энциклопедиялар, маълумотномаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бундай ҳолатда тилнинг у мумий лексикасида мавжуд бўлган лексемаларнинг терминлашуви ёки бирор терминологик тизимга оид терминнинг бошқа бир терминологик тизим доирасида қўллана бошлаши назарда тутилади, яъни тил вакилларида аввалдан маълум бўлган лексема лнги термин сифатида юзага чиқади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Биз транстерминологизация хусусиятларини кўриб чиқишдан олдин термин тушунчасига таъриб беришни лозим топдик, зеро, бу термин, бир томондан, умумтил тизимидан ўрин олганлигини эътиборга олиш, иккинчи томондан, махсус терминологик тизимларнинг ўзига хос элементи эканлигини назарда тутиш каби муаммолар, яъни умумтил лексикаси таркибидан терминологик тизимларга силжиш ва унга нисбатан аксинча ходисаларнинг рўй бериши тилшунослар учун турли-туман семантик хусусиятларни тадқиқ этиш имкониятини яратади.

В.М. Лейчик фикрича, "...термин – махсус мақсадлар учун мўлжалланган муайян тилнинг лексик бирлиги бўлиб, билимлар ёки фаолиятнинг муайян махсус соҳаси назариясининг умумий – аниқ ёки мавҳум тушунчасини билдиради». Бу таърифни бизнинг тадқиқотимиз йўналишига мос келади. Бунинг сабаби ушбу дефиниция терминнинг махсус характерини акс эттиради, бунда термин муайян термин тизими элементи сифатида намоён бўлади, термин табиий тилнинг таркибий қисми ҳисобланади. «Термин – бу, муайян сўз ёки от негизида тузилган тобе сўз бирикмаси бўлиб, профессионал тушунчани билдиради ва муайян (илмий, техник, ишлаб чиқариш, бошқарув) касб соҳасидаги мулоқотнинг специфик эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган».

Термин кўп функцияли бирлик сифатида қаралади, зеро бир вақтнинг ўзида у бир нечта функцияларни амалга ошириш мумкин. Таҳлил қилинаётган лексик қуйи тизим – бу ихтисослашган сўз ва сўз бирикмаларининг шаклланган қатлами бўлиб, унинг таркибий ва семантик ташкилотининг ўзига хослигини белгилаб беради.

Бизнингча, термин – бу махсус тушунчани номлаш учун ишлатиладиган белги бўлиб, у ўз навбатида воқеликнинг объекти ва предмети ҳисобланади. Шу боис сўз-терминнинг маъноси ҳажми бўйича махсус тушунчага мос келади, терминнинг маъносини аниқлаш эса – махсус тушунчани унинг белгилари орқали таърифлаш демакдир.

Компютер ва Интернет терминлари – илмий билимларнинг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланиб, унинг терминологияси доимий ривожланишда бўлиб турибди ва катта тезликда янги терминлар билан бойитиляпти. Зеро, терминология, биринчидан, «илм-фанга, санъатга, муаллифга ёки ижтимоий объектга доир махсус сўзлар мажмуаси» бўлса, иккинчидан, махсус тил доирасида алоқа воситаси ҳам ҳисобланади.

Термин маълум бир қонун-қоидага бўйсундирилган терминологик система таркибида аниқ бир тушунчани билдирадиган ва шу тушунчага тўла мос келадиган сўз ёки ихчам сўз бирикмаси саналади. Термин тузилишига кўра сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир.

Терминологик тизим, бошқа бир термин тизимидаги терминлар ҳисобига ҳам бойиб боради. Лексик қатлам таркибига кирувчи терминларни бундай йўл билан бойиб бориши албатта, лисоний омиллар билан боғлиқдир. Тил ўз тараққиёти давомида узоқ ва мураккаб эволюция жараёнини бошдан кечиради. Ҳар қандай адабий тилнинг пайдо бўлиш ва яшаш даври, тараққиёт жараёнлари бир-биридан фарқ қилади. Бу ўз навбатида адабий тилнинг бугунги ҳолати ва истиқболдаги ривож бевосита унинг соҳавий лексикаси билан боғлиқ. Шу боис тилшунослик фанининг таркибида терминология, яъни терминларни шаклланиш ва ривожланиш омилларини ўрганувчи фан тармоғи юзага келган. Зеро, терминлар махсус вазифати бажарувчи сўзлар бўлиб, улар терминологик тизимда ўзига хос белгига эга бўлади. Ана шу жиҳати уни умумийсистемолдаги сўзлар семантик чегараларида аниқлик сифати ҳақида гапириш имконини беради. Зеро, “Аниқлик - а) терминлашаётган тушунчанинг мазмуни ва миқдори икки маъноли бўлмаслиги ҳамда мазкур термин қўлланаётган терминосистемада бошқа тушунчалардан ажралиб туриши лозим; б) терминларнинг товушлар комплекси терминлашаётган тушунча мазмуни ва миқдори жиҳатидан чалкашликларга олиб келадиган элементлардан холи бўлиши шарт”.

Х.Дадабоев ўзбек тилида терминология масаллари тўғрисида тўхталиб қуйидагини таъкидлайди: “Ўзбек терминологиясининг ўз бойликлари ҳисобига тараққий этиши икки йўл билан воқеаланади: а) тилда мавжуд, тайёр сўзлардаги янги нарсалар-предмет ва тушунчаларни ифодалашда фойдаланиш; б) ўзбек адабий тили сўз яшаш имкониятлари иштирокида янги терминлар яратиш. Бу эса

Зеро, ҳозирги замон ўзбек адабий тили иккиламчи номинация хусусиятига эга. Терминологик номинациянинг энг кенг тарқалган усулларида бири бу транстерминологизация бўлиб, “транстерминологизация”да терминологик бирликни бир терминологиядан иккинчисига ўтишини билдиради. Бу жараёнда терминнинг шакли ўзгармаган ҳолда маънода маълум бир ўзгаришга учрайди. Терминологик бирликларни “транстерминологизация” нуқтаи назаридан қараш ҳамда буни иккиламчи номинация маҳсули сифатида қарашга борасидаги олимларни фикрлари ҳам “транстерминологизацияни бир терминнинг бир терминологик тизимдан иккинчисига ўтиш ҳодисаси сифатида қаралиши ва унда маъно ўзгариши содир бўлишини тасдиқлайди.

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, биз замонавий терминология деганда:

1) махсус соҳа тушунчаларини ва объектларини ифодалашда қўлланиладиган сўз ва сўз бирикмалар мажмуи;

2) махсус соҳа тушунчаларини ва объектларини ифодалашда қўлланиладиган сўз ва сўз бирикмалар мажмуини ўрганувчи мустақил илм-фан соҳаси;

3) терминларнинг хусусиятларига доир назарий мулоҳазаларни таҳлил махсус соҳа доирасида алоқа воситаси;

4) терминлар билан ифодаланган махсус соҳа тушунчаларининг тарқалиши назарда тутилади.

Транстерминологизация терминшунос олимлар томонидан “ўтиш жараёни” сифатида қаралиб, терминологик бирликларнинг бир терминологик тизимдан иккинчисига ўзгармаган ҳолда ёки маънони минимал ўзгартирган ҳолда кўчишини тушунадилар. Н.Н. Горбунова ва Д.С. Кажарова таъкидланганидек, “... транстерминологизация трансдисциплинарлик ҳодисасига асосланади, бунда алоҳида фанлар ўртасидаги чегаралар ўчирилади”.

Бир терминологик тизимдан бошқа терминологик тизимга ўтишни интернет термин тизими мисолида кўриб чиқамиз.

Интернет термин тизимида *таксономия* термини мавжуд бўлиб, унинг биринчи маъноси: итернетда ишлатиладиган баённомаларнинг ташкиллаштирилган ўзаро муносабатларини ифодалаш учун ишлатилади; таксономиянинг сайт мазмунини таснифлаш маъносида ишлатилади. Шунингдек, блог сайтидаги постларни тамнифлаш ва туркумлаш учун ишлатиладиган тег таксономиясининг тарқалган намуналаридан бири, маъноси; сайт мазмунини таснифлаш; фермер дўкони сайти рецептларни тоифаларига ажратиш учун ингредиентлар таксономиясидан фойдаланиш мумкин.

Таксономия (юнонча *taxis* – тузилма, тартиб, тартибли жойлашиш ва *nomos* – қонун) – одатда иерархик тузилишга эга бўлган воқеликнинг (органик дунё, география, геология, тилшунослик объектлари, этнография ва бошқалар) мураккаб соҳаларини таснифлаш ва тизимлаштириш назарияси сифатида қаралади.. *Таксон* – айрим белгилари, хусусиятларига кўра бир тоифага бирлаштирилган объектлар, объектлар гуруҳи.

Ушбу термин, биринчи марта 1813 йилда ўсимликларни таснифлаш билан шуғулланган Августин Декантол томонидан таклиф қилинган ва дастлаб биологияда ишлатилган. Кейинчалик бу термин биологияда ҳам, бошқа билим соҳаларида ҳам, тилшуносликда, географияда, геологияда мураккаб тизимларни ва тизимлаштиришнинг умумий назариясига нисбатан ишлатила бошланди.

Таксономия аниқ фанларда – бирор нарсани иерархик тартибда жойлаштириш принципини билдиради. Ушбу термин, математикада, педагогикада ва ҳ.к. соҳаларда қўлланилади: Математикада: математик жиҳатдан *таксономия* – бу объектларнинг маълум бир тўпламини таснифлашнинг дарахтга ўхшаш тузилиши бўлиб, педагогикада *Блоом таксономияси* – бу психолог Бенжамин Блоом бошчилигидаги Чикаго университети олимлари томонидан ишлаб чиқилган таълим мақсадлари тизими.

Трансформацияга учраган яна бир терминга *семантика* атамасини келтириш мумкин. *Семантика* – Тилишуносликнинг семиотик (семиотика – белгилар ва белги тизимлари тўғрисидаги фан) нуқтаи назардан тил бирликлари (сўзлар, гаплар ваҳ.к.лар)нинг маънолари ва мазмунлари, тилнинг иборалари ва унинг туғилиши, кўрилиши ва ўзгаришида иштирок этувчи мантиқий шакллари урганувчи бўлими бўлиб, компьютер термини сифатида “Компьютерли дастурлаштириш соҳасида кодлар, буйруқлар, хабарлар мазмунини белгилайди ва маълумотлар маъносини аниқлаш ёки кодлаш учун хизмат қилувчи жами амалларни ўз ичига олади”.

Маълумки, терминологик тизимлар ягона лисоний тизим билан биргаликда унинг умумий қонуниятлари асосида пайдо бўлади ва ривожланади. Транстерминологизацияда терминлашув жараёни метафоризация ҳодисасини лисоний таҳлил этишни тақоззо қилади. Номларнинг метафорик кўчими асослари куйидагилардан иборатлигини кўришимиз мумкин. Интернет термин тизимида умумистеъмолдаги сўзларни қўллашда метафора ҳосил бўлиши кузатилишини куйидаги мисолларда кузатиш мумкин:

Кўзгу – “бошиқа домен номи билан кирадиган ва жисмонан бошиқа ерда жойлашган веб-сайтн нусҳаси. Одатда кўзгу ҳаддан ташқари банд бўлган веб-сайтда, таширифчилар оқимини бўлиш учун ишлатилади. Маишхур веб-сайтлар фойдаланувчиларга яқинроқ (бу ахборотни узатиш тезлигига таъсир қилади) кўзгунини танлаши учун, кўп мамлакатларда ўз кўзгуларига эга” маъносида келади.

Она платаси – “шахсий компьютерлар тизим блокиннинг асосий платаси. Шахсий компьютерларнинг она платасида марказий процессор, тезкор хотира, тизим ва маҳаллий ишиналар ҳамда алоҳида платалар шаклида бўлган дисплей адаптери, қаттиқ ва эгилувчан дискларнинг назоратчилари ва портлар солинадиган уялар жойлашган. Ҳозирги пайтда компьютер ишлаб чиқарувчилари компьютер қурилмаларининг асосий қисмини она платасида жойлаштиришга ҳаракат қилади, чунки замонавий микросхемалар бундай имкониятларга эга ва бундай техник йечим энг арзон ва ишончлидир”. Кўриб турганимиздек, транстерминлар ҳосил бўлишида жуда кўп мисолларни келтириш мумкин.

ХУЛОСА

Шунингдек, интернет ва компьютер терминологик тизимининг ўзига хослиги лексемаларнинг транстерминлашувида уларнинг семантик тузилишида жиддий ўзгаришлар руй беришини кўзда тутиш лозим. Бундай ўзгаришларнинг аниқ, конкрет усуллари, йўллари кузатиш, унинг қонуний эканлигини англай олиш муҳим аҳамият касб этади. Терминологик материалларни таҳлили уларнинг семантик усулда ҳосил бўлишида семантик кўчимнинг мураккаб ҳодиса эканлигини кўрсатадики, бу яна бир

бор мазкур ходисанинг лисоний-назарий жихатларини чуқурроқ ўрганиш лозимлигини тасдиқлайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Суперанская А.В. Общая терминология. Вопросы теории. – 6-е изд. – М.: URSS, 2012. – 242 с.
2. Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши. Филол.ф.н....дис. –Тошкент, 2011. – 164 б. -Б.29.
3. Лейчик В.М. Место терминологии в системе современных наук (к постановке вопроса) // Татаринов В.А. История отечественного терминоведения. Том 2. – М., 1995.
4. Головин Б.Н. О некоторых доказательствах терминоведности словосочетаний. Лексика, терминология, стили. – М., 1973.
5. Кадирбекова Д. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари. Филол.фан.ном...диссер. –Тошкент, 2017.
6. Зокиров Қ.З., Жамолов Ҳ.А. Ўзбек ботаника терминологияси масалалари. – Тошкент.: Фан, 1968.
7. Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол.фан.н....дис. – Тошкент, 2009.
8. Дадабоев Х. Ҳозирги ўзбек тили қурилишида ўзбек тилининг ўрни// Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий конференция материаллари. –Тошкент, 2015.
9. Горбунова Н.Н., Кажарова Д.С. Транс терминологизация в англоязычной терминосистеме сферы менеджмента. https://upload.pgu.ru/iblock/b68/Annotatsii-na-sayt-po-_2-2018_39.pdf.
10. Большой толковый словарь русского языка/Сост. и гл. ред. С.А. Кузнецов.– СПб.: Норинт, 1998.
11. Биологический энциклопедический словарь / Гл. ред. М. С. Гиляров; Редкол.: А. А. Баев, Г. Г. Винберг, Г. А. Заварзин и др. – М. : Сов. энциклопедия, 1986. – 831 с.